

# Жисмоний шахсларга автотранспорт воситаларини сотиб олишга истеъмол кредитлари ажратиш бўйича

«\_\_\_\_\_» - сонли шартнома

\_\_\_\_\_ шаҳар

\_\_\_\_\_ 2022 йил

«Туронбанк» АТБ номидан (Бош банк томонидан 202\_йил \_\_\_\_\_ берилган \_сонли ишончнома ҳамда филиал Низоми асосида фаолият юритувчи) \_\_\_\_\_ бошқарувчиси в.б \_\_\_\_\_ кейинги ўринларда «Банк» деб аталувчи-бир томондан, \_\_\_\_\_ ИИБ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган \_\_\_\_\_ сонли паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси, \_\_\_\_\_ яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_ кейинги ўринларда «Қарз олувчи» деб аталувчи-иккинчи томондан, \_\_\_\_\_ ИИБ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган \_\_\_\_\_ сонли паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси, \_\_\_\_\_ яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ИИБ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган АВ9336079 сонли паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Самарканд вилояти Пайарик тумани Гулзор МФЙда яшовчи фуқаро \_\_\_\_\_, «Кўшимча қарздор» деб аталувчи-учинчи томондан биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. Асосий тушунчалар

1.1. Ушбу шартнома матни бўйича кейинги ўринларда учрайдиган барча атамалар (агар контекстдан бошқача маъно аниқлаш имконияти бўлмаса) ушбу бўлимда баён қилинган маъноларни аниқлатади:

**Автокредит** - жисмоний шахсларга бирламчи ҳамда иккиламчи бозордан Ўзбекистонда Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун ажратилган истеъмол кредити.

**қарз олувчи** – автотранспорт воситасини сотиб олиш учун ариза ҳамда зарурий ҳужжатларни тақдим қилган ва тўловга лаёқатли деб таснифланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган жисмоний шахс;

**кредитлаш объекти** – Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган кредит ҳисобига сотиб олинаётган автотранспорт воситаси;

**бирламчи бозор** – ишлаб чиқарувчи корхона ва/ёки уларнинг расмий дилерлари;

**сотувчи** – кредит ҳисобига сотиб олинаётган автотранспорт воситасини сотиш ҳуқуқи мавжуд бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**кредит фонзи** – кредитдан фойдаланганлик учун тўлов;

**бошланғич бадал** – қарз олувчининг сотиб олинган автомобилнинг \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **фонзидан** кам бўлмаган қийматда банкдаги омонат ҳисобварағига киритилган ҳамда мижознинг аризасига асосан машина ишлаб чиқарувчининг жойлардаги расмий дилерлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилади;

**кредит бўйича қарз** – кредитнинг ҳаммаси ёхуд қарз олувчи томонидан фойдаланилган кредитнинг қолдиги, қарз олувчига очилган тегишли ҳисоб рақамларидаги қарз олувчига тегишли бўлган автокредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фонзлар;

**гаровга қўювчи** – гаров шартномасига асосан кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзига тегишли бўлган мулкни банкка гаровга тақдим этган қарз олувчи ёки учинчи шахс;

**суғурталовчи** - суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга бўлган ҳамда суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қопламасини тўлашга мажбур бўлган юридик шахс;

**суғурта қилдирувчилар** - суғурта шартномасига мувофиқ, суғурта бадалини тўловчи жисмоний шахслар;

**суғурта ҳолати** - суғурта шартномасида кўзда тутилган ҳолат бўлиб, бундай ҳолат юзага келганда суғурталовчи суғурта қопламасини банк фойдасига тўлаш мажбуриятини олади.

**қўшимча қарз олувчи** (тўловчи) – кредит шартномасига асосан қарз олувчи билан бирга кредит бўйича тўловларни тўлаш мажбуриятини олаётган, доимий иш жойига ва иш ҳақи даромадига эга бўлган шахс. Бунда, қарз олувчи билан бир уйда умумий рузғор асосида истиқомат қиладиган оила аъзоси ёки ўзаро битимга асосан мажбурият олаётган бошқа шахс бўлиши мумкин.

**кредит таъминоти** – кредит эвазига сотиб олинаётган автотранспорт воситаси, қўшимча таъминот сифатидаги бошқа мол мулклар ва суғурта полиси;

**кредит берилган сана** - ушбу шартномадан келиб чиқиб, қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан кредит суммаси ўтказилган сана;

**кредитни тўлаш санаси** - ушбу шартномадан келиб чиқиб, автокредит бўйича ҳисоблаб ёзилган фонзларнинг жами қолдигини ва асосий қарз қолдигини қоплайдиган, қарз олувчининг банк олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажаришига олиб келадиган охириги тўлов тушган сана;

**тўлов мажбуриятлари** - қарз олувчининг автокредит бўйича қарзларни, кредит бўйича фонзларни ушбу шартномада курсатилган суммада ва муддатларда тўлаш бўйича ҳамда бошқа тўловлар мажбуриятлари;

**кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлик** – автокредит бўйича кредитдан фойдаланганлик учун тўланиши белгиланган фонзлар ва тўлов жадвалида белгиланган муддатдан кечикканлиги учун тўлаб берилиш лозим бўлган қарз суммаси, қарз олувчи томонидан белгиланган муддатда тўланмаган бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича қарз суммаси;

## 2. Шартнома предмети

2.1. «Банк» «Қарз олувчи»га умумий нархи \_\_\_\_\_ сўмлик Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган \_\_\_\_\_ русумли машина сотиб олиш мақсадида, \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдорига истеъмол кредити ажратади, «Қарз олувчи» эса кредит беришнинг умумий қоидаларига (мақсадлилиги, таъминланганлиги, муддатлилиги, қайтарилувчанлиги ва тўланувчанлиги) риоя этган ҳолда автокредитдан фойдаланади.

2.2. Илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда микромолиявий хизматлар кўрсатилмайди.

### 3. Қарз олувчининг тасдиқномаси

3.1. Қарз олувчи ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:

Ушбу шартномани имзолашга ваколатлилиги ва лаёқатлилигини;

Банкка тақдим этилган (этиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;

Ҳозирги вақтда қарз олувчига нисбатан маъмурий, суд тартибда иш кузгатилмаган, қарз олувчининг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши қарз олувчининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишига олиб келади;

Агар қарз олувчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан бирортасини бажаришга кодир булмаса, Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни, шунингдек бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирувни кредит бўйича таъминотга ва қарз олувчининг бошқа мулкига қаратишга ҳақлидир;

### 4. Кредит қиймати ва кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси

4.1. Сотиб олинаётган автомашина нархи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўми ташкил қилади. Шундан \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўми банк кредит маблағи ҳисобидан тўлаб берилади. Мазкур сўмнинг \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридagi маблағ «Қарз олувчи» томонидан бошланғич бадал сифатида Туронбанк АТБда очилган «Авто омонат» жамғарма депозит ҳисобварағига нақд пул ёки нақд пулсиз шаклида киритилади. Ушбу маблағ миқдорнинг аризасига асосан автомашина ишлаб чиқарувчи ёки унинг жойлардаги расмий диллерлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4.2. Кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчи кредит олинган ойдан бошлаб, банкка йиллик \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **фоиз** миқдорида тўловларни амалга оширади.

4.3. Автокредит бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни ушбу шартноманинг **4.2.** бандида белгиланган фоиз ставкасидан ва кредит берилган санадан бошлаб, амалдаги қуллар сонидан келиб чиққан ҳолда, қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан Банк томонидан ҳисобга олинadиган кредит суммаси колдигига ҳисобланади.

4.4. Автокредит бўйича тўловлар (навбатдаги асосий қарз ва фоизи) ҳар ойда 1-иловада келтирилган кредитни қайтариш графигига асосан амалга оширилади.

### 5. Автокредит таъминоти

5.1. Ажратиладиган кредитнинг таъминоти сифатида кредит ҳисобига ҳарид қилинаётган автотранспорт воситаси “Қарз олувчи” номига расмийлаштирилгунга қадар \_\_\_\_\_ **кун (бирламчи олди сотди шартномасига асосан автомашина етказиб бериш муддати)** муддатга \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридаги суғурта ташкилотининг кредит қайтмаслик хатарини суғурталовчи суғурта полиси ҳамда ушбу шартнома бўйича кредит ҳисобига сотиб олинаётган \_\_\_\_\_ русумли автомашина \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдорида гарови билан таъминланади.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир нечта усуллари мавжудлиги бир-бирига зид бўлади, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир - бирига боғлиқ бўлади.

5.3. Зарурат бўлганда, ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни қаратишнинг усуллари танлаш ҳуқуқи Банкда қолади, у уз хоҳишига кўра, талабни усуллардан исталганига қуйиши ёки мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг барча усулларига қуйиши мумкин.

5.4. Қарз олувчи кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиши, шунингдек, кредит шартномаси амал қиладиган муддатга кредит объектини унинг йўқолиши ва шикастланиши ҳамда бошқа таваққалчиликлардан тўлиқ қийматида банк фойдасига қарз олувчи уз ҳисобидан суғурталаш мажбуриятини олади.

5.5. Кредитнинг қайтарилиши таъминоти билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай (нотариал, суғурта, ЙХХБ ва бошқалар билан боғлиқ бўлган) ҳаражатларни қарз олувчи уз зиммасига олади.

5.6. Кредитнинг таъминланишини белгилувчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.7. Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажарилишини ўзига ва/ёки бошқа шахсларга тегишли бўлган ликвид мулклар билан ҳам таъминлаши мумкин.

### 6. Автокредит ажратилиши тартиби

6.1. Автокредит \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) **ой муддатга, 202\_ йилнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 202\_ йилнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ га** қадар берилади. Автокредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлаш кредит берилган ойдан кейинги ойнинг **01-санасига** қадар тўланади.

6.2. Кредит бериш қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ва ушбу шартноманинг 6.3. бандида курсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қарз олувчининг ёзма аризаси асосида тўловларни нақдсиз шаклда банк бошқарувчиси, кредит бўлими бошлиғи ва кредит ходими имзолаган фармойишга биноан автомашина сотувчининг банк ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда тўлаб берилади.

6.3. Банкнинг автокредитни автомашина сотувчининг банк ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда тўлаб бериш бўйича мажбурияти қарз олувчи томонидан қуйидагилар тақдим этилгандан кейин пайдо бўлади:

- урнатилган тартибда гаров таъминот турларидан бирини тақдим этиш;
- бошланғич бадал сифатида “Туронбанкда” АТБ очилган «Авто омонат» жамғарма депозит ҳисобварағига пул маблағини қўйганлигини ва ушбу маблағни автомашина ишлаб чиқарувчи ёки унинг жойлардаги расмий диллерлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

## 7. Автокредитни тўлаш тартиби

7.1. Кредит буйича қарзни тўлаш учун қарз олувчи томонидан йуналтириладиган тўловлар қуйидаги навбатда тўланади:

- Кредит буйича тўлов муддати ўтган фоизларни тўлаш;
- Муддатли фоизларни тўлаш;
- Кредит буйича муддати утган ва муддатли асосий қарзларни тўлаш.

7.2. Кредит муддатидан олдин тўланган тақдирда Банк бирон-бир қўшимча воситачилик хақини ундирилади.

7.3. Қарз олувчи ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинадиган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни амалга ошириш йўли билан автокредитни ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлайди. Кредит буйича асосий қарз ва фоизлар уз вақтида тўланмаган тақдирда, тўлаш керак бўлган суммага қўшиб берилади.

7.4. Агар ушбу шартнома буйича исталган суммаларни тўлаш санаси иш куни ҳисобланадиган кунга тўғри келса, у ҳолда ушбу суммаларни тўлаш кейинги иш кунида амалга оширилиши керак.

## 8. Тарафларнинг ҳуқуқлари

### 8.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Ушбу шартноманинг 6.3. бандида курсатилган ҳужжатлар қарз олувчининг айби билан шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 30 (Уттиз) банк куни мобайнида тақдим этилмаган тақдирда Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.1.2. Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга ошириш, мониторинг жараёнида Банк кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини, асосий қарз ва унинг буйича ҳисобланган фоизлар тўлови амалга оширилганлигини, гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидаларига, гаров объектининг ноқонуний бегоналаштирилиши ва тасарруф этилишига йўл қўймасликка риоя этилишини назорат қилади.

8.1.3. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга ошириши мумкин:

қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганлиги тўғрисидаги уни бартараф этиш учун муддатни белгиланган ҳолда, ёзма хат юбориш;

ушбу шартнома буйича мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланишини талаб қилиш;

қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;

асосий қарз ёки фоиз тўлови 30 кун муддатга кечиктирилганда, қарздорнинг молиявий аҳволи оғирлашганда ва шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бузилганда кредитнинг муддатидан илгари қайтариш ва шартномани бекор қилиш чоралари куриш;

шартнома буйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашни белгиланган тартибда кредит буйича таъминотга қаратиш;

ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.4 Қарз олувчига муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича талабномада белгиланган муддатда истеъмолчи унда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, банк тегишли тартиб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

8.1.5 «Банк» «Қарз олувчи» томонидан кредитнинг асосий қарз тўлови кредит қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаган ҳолларда, кредит қайтариш жадвалида белгиланган санадан кейинги кундан бошлаб айнан тўлов кечиктирилган кунлар учун кредитнинг муддати ўтган қисмига мазкур шартноманинг 4.2 бандида белгиланган фоиз ставкасига қўшимча равишда йиллик 5 (беш) фоиз миқдорига қўшимча фоиз тўлови ундиришга ҳақли.

8.1.6 Агар «Қарз олувчи» томонидан кредит маблағлари ўз муддатида қайтарилмаганда кредитнинг асосий қисми «Банк» томонидан суд жараёнидаги кредитлар ҳисоб рақамига ўтказилса ёки қўзда тутилмаган ҳолатлар (95413) ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланса мазкур шартноманинг 4.2 бандида белгиланган қўшимча фоиз ставкаси қўлланилади ва ҳисобланган фоизлар «Қарз олувчи»дан ундирилади.

8.1.7. Агар «Қарз олувчи» томонидан кредитнинг асосий қарзи тўлови кредит қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаган тақдирда, яъни 30 кун муддатга кечиктирилганда, қарздорнинг молиявий аҳволи оғирлашганда ва шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бузилганда Банк «Қарз олувчи» ва/ёки «қўшимча қарз олувчи» ва/ёки «Кафил»нинг;

- кредит (бошқа) тарихи ҳақида маълумот;

- тўлов қобилиятини баҳолаш тўғрисидаги маълумот;

- бошқа даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот;

- шахсий баланс ҳисобларининг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;

- депоизт ҳисобрақамлари мавжудлиги/йўқлиги тўғрисида маълумот;

- БПКлари тўғрисида маълумот;

- мол-мулклари тўғрисида маълумотларни олиш ва ундириш ушбу манбалар ҳисобидан қарздорликни сўндириш ҳуқуқига эга.

8.1.8 Қарздор вафот этган тақдирда, унинг ссуда қарздорлиги бўйича мажбуриятлари меҳнатга лаёқатли оила аъзоларидан бирига (мустақил ва тўлов қобилиятига эга шахсга) қайта расмийлаштирилади. Кредит мажбуриятлари қайта расмийлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда ва тўлов муддатининг келишидан катъий назар банк қарздорнинг вафотидан сўнг олти ойлик муддат ичида унинг меросхўр ёки ворисларига суд орқали мулккий даъво қўзғатишга ҳақли.

### 8.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

8.2.1. Ушбу шартнома амал қиладиган давр мобайнида шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида ва мақсадлар учун ссуда ҳисоб рақамидан тўловни амалга ошириш. Бунда кредитнинг фойдаланилган қисмидан муддатидан олдин қайтарилган кредит суммаси миқдоридан катъий назар қайта фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8.2.2. Олинган кредитни тўлиқ қайтарган, унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаган ҳолда банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш;

8.2.3. Мазкур шартнома шартларида қайд этилган суммани муддатида қайтариш шarti билан олиш;

8.2.4. Кредит тўловларини муддатидан олдин амалга ошириш;

8.2.5. Банкдан шартнома бўйича банк мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

8.2.6. Банкдан кредит қолдиғи юзасидан маълумотлар олиш;

8.2.7. Шартнома йўқолган тақдирда унинг нусхасини олиш;

8.2.8. «Қарз олувчи» кредит бўйича гаровда турган ўзининг депозитдаги (омонатдаги) маблағларини кредит шартномаси даврининг ҳоҳлаган вақтида депозит (омонатнинг) амал қилиш муддатидан қатъи назар, мазкур кредитни қайтариш учун йўналтириш ҳуқуқига эга;

Бунда, қарз олувчи кредит бўйича гаровда турган ўзининг муддатли депозитидаги (омонатидаги) маблағларини шартномада кўрсатилган депозит (омонат) муддати тугагунга қадар кредитни қайтариш учун йўналтирмақчи бўлса, у бу ҳақда банкни омонатни қайтариш мўлжаллаётган санадан камидан бир ой олдин хабардор қилиши лозим.

8.2.9. Ушбу кредит шартномасига гаров қўйиш билан боғлиқ суғурта компанияси (суғурта компаниясининг молиявий ҳолати барқарор ҳамда юқори рейтинг даражага эга бўлган) ва (ёки) баҳоловчини ўзи хоҳишига кўра танлаш.

## 9. Тарафларнинг мажбуриятлари

### 9.1. Банкнинг мажбуриятлари:

9.1.1. Автокредит бериш учун қарз олувчи томонидан барча зарур шартлар бажарилгач ушбу шартнома шартларига риоя қилган ҳолда кредит бериш.

9.1.2. Қарз олувчини кредитни ёки унинг қолган қисмини беришни рад этиш, шунингдек, кредитни муддатидан олдин ундириш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

9.1.3. Ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, «Қарз олувчи» зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида «Қарз олувчи» ва/ёки «қўшимча қарз олувчи» ва/ёки «Кафил»нинг банк пластик картаси(кейинги ўринларда БПК деб юритилади)дан (агар улар томонидан БПК маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни дастурий равишда ундириб олиш, акс ҳолда (БПК маълумотлари тақдим этилмаган ёки БПКда маблағ мавжуд бўлмаган) муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида «Қарз олувчи» билан ҳар қандай ўз ичига олган боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, истеъмолчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар (хабарнома, талабнома, огоҳлантириш хати) бериш;

9.1.4. Кредит бўйича қарздорликни ундириш мақсадида «**Банк**» қарздорликни сўндириш зарурлиги ва кредит бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари ҳақида ҳар қандай алоқа воситалари орқали тегишли тарзда қарздорни хабардор қилиш. Қарздорлик тўғрисидаги хабар хабарнома(ёзма) шаклида бўлганда, асосий қарз суммаси, ҳисобланган фоизлар, воситачилик ҳақи, неустойка, бошқа тўловлар (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган ҳолда қарздорлик миқдори тўғрисида қарз олувчи учун қисқача ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак. Хабарномани маҳаллий вақт билан соат 20:00 дан 8:00 гача қўлга топшириш ва у ҳақда телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилишга йўл қўйилади;

9.1.5. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, «**Банк**» «**Қарз олувчи**» зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 (етти) календарь куни давомида «**Қарз олувчи**» билан ҳар қандай алоқа боғлаш усулларида, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллардан фойдаланиб, «**Қарз олувчи**»га муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида сўндириш жадвалини илова қилган ҳолда хабар бериш.

9.1.6. «Қарз олувчи» томонидан шартномага асосан кредит (қарз) бўйича қарздорлик суммасини тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур қарз бўйича:

гаровда турган мулкни таъқиқдан чиқариш;

гаров сифатида бўлган мол-мулкка нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш чоралари кўриш.

### 9.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

9.2.1. Кредит ҳисобига сотиб олинган машина қарз олувчининг номига расмийлаштирилгандан сўнг 15 (ўн беш) кунгача бўлган муддатда қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштириш, шу жумладан:

Автокредит объектини йуқолиш ва шикастланишдан суғурта қилиш шартномасини тузиш, суғурта полисини тақдим этиш;

Автокредит таъминоти бўйича гаров шартномани тузиш, уни нотариал тасдиқлаш, давлат руйхатидан ўтказиш ва бу ҳақдаги ҳужжатларни тақдим этиш;

9.2.2. Кредит шартномаси шартларига мувофиқ берилган кредитдан мақсадли фойдаланиш.

9.2.3. Кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатли мажбуриятномага ҳамда шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинаётган тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойнинг **01 санасига** қайтариш.

9.2.4. Банк вакиллари мунтазам равишда ўтказиладиган мониторинг текширувларига қаршилик кўрсатмаслик, автокредит ҳисобига сотиб олинган автомобилни, шу жумладан, кредитга ва ушбу шартнома бўйича қарз олувчининг мажбуриятлари бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни бориб қуриш, шунингдек кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини текшириш имкониятини таъминлаш.

9.2.5. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониктирадиган шакл ва мазмун бўйича қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

9.2.6. Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришига таъсир этувчи барча ўзгаришлар тўғрисида, шунингдек молиявий ҳолати, фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ва вақтинчалик рўйхатдан ўтган жойи, яшаш манзили, иш жойи, реквизитлари ҳамда бошқа маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида банкка зудлик билан ёзма маълумот тақдим этиш. Ўзига нисбатан муқий/моддий даъволар билдирилган тақдирда бу ҳақда банкни зудлик билан хабардор этиш.

9.2.7. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигини олиб туриб, шартнома бўйича қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга булиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва ёки қарзларини жалб қилмаслиги шарт.

9.2.8. Талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини олган вақтдан 5 иш куни давомида қарздорликни тўлаши.

9.2.9. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кетган тақдирда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

9.2.10. Мавжуд бўлса қарз олувчининг ҳамда «қўшимча қарз олувчи(лар) ва «кафил(лар)»нинг БПК маълумотлари

(рақамлари ва амал қилиш муддати)ни шуниндек, кредит сўндирилгунга қадар уларнинг БПКлари алмаштирилса янги олинган БПК маълумотларини банкка тақдим этиш;

9.2.11. Кредит шартномаси бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, зиммасидаги қарз янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўзининг ва/ёки “қўшимча қарз олувчи” ва/ёки “Кафил”нинг банк пластик картасидан (агар улар томонидан пластик карта маълумотлари тақдим этилган бўлса) муддати ўтказиб юборилган қарздорликни банк дастурий равишда ундириб олишига ҳеч бир қаршилиқ кўрсатмаслик;

9.2.12. Қарз олувчи банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўзининг кредит олиш ҳуқуқини бериши (сотиши), ушбу шартномадаги мажбуриятларини ўтказишга ҳақли эмас.

## 10. Мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолатлари

10.1. Ушбу бандда қайд этилган ходисалардан ҳар бири мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолати ҳисобланади: қарз олувчи кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича ушбу шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек тузилиши ушбу шартномада белгиланган бошқа шартлар бўйича белгиланган санада тўловларнинг амалга оширилмаганлиги; банкни атайлаб ҳаққоний булмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш; кредит бўйича Банкка қарз олувчи томонидан берилган таъминот қисман ёки тўлиқ уз кимматини йукотганлиги; қарз олувчининг тўловга кодирлиги ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг мунтазам равишда бажарилмаслигига олиб келадиغان аниқ ахборотнинг яширилиши; қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ходисалар; ушбу шартнома шартларининг бузилиши; ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, ипотека, кафолат ва шу кабилар) бузилиши; гаров предметининг 1 полиси муддати ўтганлиги.

## 11. Жавобгарлик

Тарафлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар. Тарафлар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларининг мулклари билан жавобгар бўладилар.

## 12. Кредит қарздорлигини ундиришни таъминотга қаратиш

12.1. Қарз олувчи томонидан ушбу шартнома бўйича уз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда Банк уз талабларини, ундиришни гаров объектига қаратиш учун асослар вужудга келгандан кейин, қарз олувчи ва Банк ўртасида тузилган нотариал тасдиқланган битим асосида суддан ташқари тартибда қондиради.

12.2. Банк ундиришни ушбу шартнома ва гаров шартномаси шартларида назарда тутилган, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги туфайли келиб чиққан талабларни ушбу мол-мулк ҳисобига қондириш учун мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

12.3. “Банк” қуйидаги ҳолатлар юзага келганда кредит маблағини муддатидан аввал ундириш, унга ҳисобланган фоизларни жарималар билан биргаликда тўланишини талаб қилиш, зарарларни қоплаш, ундирувни гаров шартномасига асосан гаровга қўйилган мулкларга қаратиш ҳуқуқига эгадир.

- а) гаровга қўйилган мулкларни сезиларли даражада ёмонлаштирса;
- б) кредит таъминоти талабга жавоб бермаганда ва “Қарз олувчи” томонидан мазкур шартномада кўрсатилган муддатда қўшимча таъминот тақдим этилмаганда;
- в) “Қарз олувчи” томонидан мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кредитнинг тўлов жадвали мунтазам равишда бузилганда, яъни кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш муддати ўн икки ой давомида икки мартадан ортиқ кечиктирилганда;
- г) “Қарз олувчи” мазкур шартноманинг 9.2.- бандида қайд этилган ҳар қандай мажбуриятини бажармаган ҳолда.
- д) қарз олувчига нисбатан суд тартибда даъво қўзғатилаётган (кузгатилган) ёки унинг мол-мулки хатланган (унга арест қўйилган) бўлса;
- е) мазкур шартномада қайд этилган Қарз олувчининг бошқа мажбуриятлари бузилганда.

12.4. «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14, 19 ва 26 - моддаларида назарда тутилган ҳолатларда Банк гаров билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса - ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

12.5. Кредит бўйича қарздорликларни ундириш мазкур шартномада қайд этилган гаров мулкларига қаратилганда, “Банк” ва “Қарз олувчи” ўртасида тузилган гаров (ипотека) шартномасида кўрсатилган нарх бўйича бу гаров мулки қайта баҳоланади ва аукцион савдоларига чиқарилади. Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан олинган сумма Банк талабини қоплаш учун етарли булмаса, Банк етишмаган суммани қарз олувчининг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

## 13. Форс-мажор ҳолатлари

13.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Тарафлар олдиндан қўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ходисалар натижасида вужудга келган енгиб булиюндиган куч ҳолатларининг оқибатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

13.2. Енгиб булиюндиган куч ҳолатларига асосланган Тараф бошқа Тарафни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга исталган Тарафнинг талабига қўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

## 14. Шартнома муддати

14.1. Ушбу шартнома «Тарафлар» имзоланган кундан бошлаб юридик кучга киради ва барча мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар, хусусан «Қарз олувчи» томонидан олинган кредит, ҳисобланган фоизлар ва бошқа тўловлар ҳамда комиссия

ҳақлар тўлиқ тўлангунига қадар амал қилади;

14.2. Шартнома шартларини ўзгартириш, уни амал қилиш муддатини узайтириш ёки муддатидан илгари бекор қилиш «Тарафлар»нинг кўшимча келишуви билан ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

### 15. Низоларни ҳал қилиш тартиби

15.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларни «Тарафлар» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этадилар;

15.2. Шартномада қайд этилмаган ҳар қандай масалалар «Тарафлар»нинг ўзаро келишувлари ёрдамида ҳал қилинади;

15.3. «Тарафлар» ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда, мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ жавобгардирлар;

15.4. Мазкур шартнома шартлари юзасидан «Тарафлар» ўртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинади. «Тарафлар» юзага келган низога узаро ҳал қила олмаган тақдирда, ушбу муаммо қонунчиликда белгиланган тартибда \_\_\_\_\_ Фуқаролик судида ҳал қилинади.

### 16. Алоҳида шартлар

16.1. Банк уз хоҳишига кўра ушбу шартнома буйича узида қарз олувчига нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқлардан исталганини қуллаши ёхуд қулламаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларни қулламаслик ёхуд қисман қуллаш ушбу ҳуқуқлардан воз кечилишини билдириш ва улар келгусида исталган вақтда қулланиши мумкин.

16.2. Автомашинани сотишга, ўзгага беришга, уни ижарага топширишга, ўзгаларни ундан текин фойдаланишга кредит муддати мобайнида Банкнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилиш мумкин.

16.3. Ушбу шартномада кўрсатилган манзил бўйича юборилган талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати қарз олувчига почта орқали юборилганида қарздорнинг почта манзили ўзгарган бўлса ёки талабнома ва/ёки огоҳлантириш хатини қабул қилмас, талабнома ва/ёки огоҳлантириш хати топширилган саналади.

16.4. Қарздорликни ундириш юзасидан келиб чиққан низоларни судда ҳал этиш ҳаражатлари (давлат божи, почта ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар) ва қарздорликни ундириш бўйича қилинган бошқа ҳаражатлар қарз олувчидан ундирилади (қарздор томонидан қопланади).

16.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган муносабатлар миллий қонунчилик нормалари асосида тартибга солинади.

16.6. Мазкур кредит шартномаси бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилди. «Тарафлар»га бир нусхадан, учинчи нусхаси эса нотариал идорага гаров (ипотека) шартномаси расмийлаштирилиши учун тақдим этилади.

### 17. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолар

«БАНК»

«ҚАРЗ олувчи»

АТБ Туронбанк _____ филиали	_____
Манзил: _____	_____
Хўр: _____	Паспорт _____
МФО _____ ИНН: _____	ИНН _____
Тел: _____	Кредит асосий ва фоиз тўлови кредитни қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаганда банк томонидан тўловлар дастурий равишда пластик картадан ундирилишига ўз розилигимни билдираман.
Бошқарувчиси в.б _____	_____

Бош Ҳисобчи \_\_\_\_\_

Юрист \_\_\_\_\_

Кўшимча қарздор

Кўшимча қарздор

_____
_____
Паспорт _____
ИНН _____
Кредит асосий ва фоиз тўлови кредитни қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаганда банк томонидан тўловлар дастурий равишда пластик картадан ундирилишига ўз розилигимни билдираман. _____

Кўшимча қарздор

Мижоз билан алоқа ўрнатиш ва хабар юбориш учун:

Тел: Электрон почта: \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

Бошқа алоқа воситалари 97 921 11 26

<b>Умаров Мустафо Абдусаломович</b>
Самарканд вилояти Пайарик тумани Гузор МФЙ.
<b>Паспорт</b> _____ <b>ИИБ</b> _____
<b>ИНН</b> _____
Кредит асосий ва фоиз тўлови кредитни қайтариш жадвалида белгиланган санада амалга оширилмаганда банк томонидан тўловлар дастурий равишда пластик картамдан ундирилишига ўз розилигимни билдираман.
_____